



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 8 июнь, № 111 (5785)

Шанба

## Янгиликлар, воқеалар,

### хабарлар

“Навой” эркин индустриал-иктисодий зонасида фаолият кўрсатаётган “O'zMinda” кўшма корхонасида ўтган йили “Cobalt”, “Nexia”, “Damas”, “Matiz” русумли автомобилларга мўлжалланган спидометр, эшик дастаси, соат, эшик кулфи каби 17 миллиард 177 миллион сўмлик 22 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

### Муваффақиятлар гарови

— Маҳсулотларимизни нафақат ички бозорга, балки хорижга ҳам чиқараямиз, — дейди “O'zMinda” кўшма корхонаси раҳбари Нодир Раҳимов. — Замонавий технологияларнинг мавжудлиги, малакали мутахассисларимиз меҳнати эвазига юқори кўрсаткичларга эришялми.

Жорий йилда ҳам мазкур корхонада модернизация ишлари давом эттирилиб, келгусида Хиндистоннинг “Minda Capital Ltd” компанияси томонидан 500 миң доллардан ортиқ инвестиция киритилиши кўзда тутилмоқда. Пировардида маҳсулот тури яна 4 тага кўпайиб, ўнлаб иш ўринлари яратилади.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Корхонанинг касаначилари

Ғижувон туманидаги “Қалб нури касаначи” корхонаси буюртмачилари қаторидан “Навой-азот” очик акциядорлик жамияти ҳам ўрин олди.

Корхона бу йилки санат субъектига 20 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

— Бу каби буюртмаларни ўз вақтида удалашимизда ишни касаначилик асосида ташкил этганимиз кўл келаяпти, — дейди корхона раҳбари Хошим Тешаев. — Бизда меҳнат қилаётган 25 нафар ходимнинг аксарияти ка-

саначилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан тайёрланган кўрпа-тўшак, чойшаб, коржом, ишчи кўлқопи каби маҳсулотлар харидорларга маъқул тушмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида етмиш миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Харажат кам, натижа юқори

Қумқўрғон туманидаги “Санжар сарбони” масъулияти чекланган жамияти томонидан қум ва тош саралашга мўлжалланган қиймати 1 миллиард сўмлик технологик линия ишга туширилди.

— Туманимиздаги қурилиш ташкилотлари бундай хом ашёни олиш ҳудудлардан ташиб келтирар эди, — дейди корхона раҳбари Санжар Чориев. — Табиийки, бу ортиқча сарф-харажатлар ҳамда оворатгарчиликларга сабаб бўлаётган. Ҳозир илғор технологияларимиз ёрдамида соатига 50 кубометр тош-шағал сараланаёпти. Эътиборлиси, қурилиш ашёларини буюртмачи ташкилотлар манзилга ўзимиз етказиб бераёламиз.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Миллий либослар жилоси

Марҳамат шаҳарчасининг Мустақиллик кўчасини ҳақли равишда тадбиркорлар ва хунармандлар кўчаси, дейиш мумкин.

Нафақат туман, балки кўшни ҳудудларнинг ҳам бозорлари савдо дўконларини тўлдириб турган бекасам чоплару чуст дўппилари ушбу кўчада жойлашган кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг меҳнати маҳсулидир.

Яқинда улар сафига “Интез меди фарм” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Тадбиркор Шавкат Оташев йилига 15 миң дан трикотаж маҳсулотлари ишлаб

чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона ишга туширди. 35 миллион сўмлик сармоя эвазига замонавий тилув-бичув машиналарини келтирди. Муҳими, ўн нафар чевар ишли бўлди. Улар жорий йилнинг биринчи чорагида 50 миллион сўмлик бежирим либослар тикиб, буюртмачиларга етказиб беришди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Кичик бизнес:

# Беқиёс имкониятлар ва юксак самарадорлик

Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва соҳа вакилларига берилган имтиёзлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суруятлар билан ривожланишида муҳим омил бўлаяпти.

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

Жиззах вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектларини кўлаб-қувватлаш, янги турдаги ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу мақсадда замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этилаёпти. Мавжудлари модернизация қилиниб, кўшимча қувватлар ишга туширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 47,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада умумий қиймати 27,2 миллион долларга тенг бўлган 437 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 53 таси санат корхонаси бўлса, 129 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги, 255 таси эса хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларидир.

(Давоми 2-бетда).



### Харажат кам, натижа юқори

## Парижда Ўзбекистон маданияти кечаси

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий ваколатхонаси томонидан Париж Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистоннинг маданияти, адабиёти, мусиқа ва кино санъатига бағишланган маданий кеча уюштирилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Ушбу тадбирда ЮНЕСКО ва бошқа жамоат ташкилотлари, дипломатия корпуси, илмий-академик ва маданий-гуманитар доираларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кечанинг очилиш маросимида сўзга чиқар экан, **Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий вакили Лола Каримова-Тиллаева** ўзбек халқи бой маданий, илмий ва тарихий-маънавий меросига эга бўлгани ҳолда, юртимиз заминидан Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари жаҳон тамаддуни тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган кўлаб буюк алломалар яшаб, ижод қилганини қайд этди. Шунингдек, у ўзбек маданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлган шеърят, адабиёт, мусиқа ва кино санъати ЮНЕСКО учун илм-фан ҳамда таълим билан бир қаторда, энг муҳим кадрлардан бири саналишини таъкидлади.

Замонавий ўзбек зиёлиларининг эркин намоёнаси, “Тафаккур” жур-

нали бош муҳаррири Эркин Аъзам тадбирнинг махсус меҳмони бўлди. Ўзбек адабиётининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ушбу таниқли жамоат арбоби, кўлаб кино-сценарийлар муаллифи, публицист ва ёзувчи нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро доираларда ҳам машҳурдир. У бир гуруҳ ёш иқтидорли журналистлар, ёзувчи ва драматургларнинг мураббийси саналадики, улар келгусида буюк романовис Абдулло Қодирий асарларида асос солинган адабий аъналарнинг муносиб ворислари бўлишга интилоқдалар.

Ўзбек адабиётининг ижодий ва жамоатчилик фаолияти халқ дунёқарашини чуқур англаш туйғуси билан йўғрилган. Унинг асарлари жанрлар хилма-хиллиги, оригиналиги, фикр ва туйғуларнинг чуқурлиги билан ажралибгина қолмасдан, муаллифининг инсонпарварлик ҳамда эркинликка интилиш ғояларини ўзида акс эттирган асарлари миллий адабиётимизни бойитгани

баробарида, ўзбекистонликларнинг энг сара ҳаётӣ тажрибаси ва маънавий меросини мужассам этгани боис ўқувчиларнинг муҳаббат ва ҳурматига сазовор бўлган.

“**Lire autrement**” ассоциацияси президенти **Жак Паньез** ўз нутқида кўна аъналар асосида шакланган ўзбек маданияти Марказий Осиёдаги энг бой ва эркин маданиятлардан бири ҳисобланишини эътироф этди.

— Алишер Навоийнинг севги-муҳаббат, нафислик, ажойиб ва юксак инсоний туйғуларни куйловчи гениал асарлари юз йиллардан сўнг ҳам инсонлар қалбини ларзага солмоқда, — деди Ж. Паньез. — Бутун дунё мутахассисларининг таҳсинига сазовор бўлган ўзбек миллий рақслари ва мумтоз мусиқасининг гўзаллигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Рассомлик санъати ҳақида ҳам айнан шундай фикр билдириш жоиз — Бобур Исмоилов, Абдулло Назруллаев сингари замонавий ўзбек мусаввирларининг асарлари Францияда катта муваффақият билан намойиш қилинди. Улар Камолдин Беҳзод сингари буюк аждодларининг аъналарини давом эттирмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси давом эттирилди. Унда депутатлар тасдиқланган кун тартибига кўра, иккинчи ўқишда иккита қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари аввалроқ ўз йўғилишларида кўриб чиққан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, саволлар ҳамда тақлифлар билан сўзга чиқдилар.

“Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган ОИТС касаллиги ҳозирги вақтда барча мамлакатлар учун глобал муаммага айлангани қайд этилди.

ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу касаллигининг олдини олиш бўйича доимий тизимли иш олиб борилмоқда. 1999 йил августда қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда, халқаро тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш ўтган давр мобайнида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Бу ушбу соҳадagi муносабатларни тартибга солишга қарши курашиш амалидаги қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берди. Амалдаги қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси фаолияти, унинг ваколатлари, уни ташкил этиш тартиби ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш босқичи-ма-босқичи такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқда, деб таъкидлашди ЎзХДП фракцияси депутатлари. Шу муносабат билан мамлакатимиз ва чет эл тажрибасига мувофиқ ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

(Давоми 2-бетда).

### ИФТИХОР

Бугун аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, ноёб иқтидор эгаларини рағбатлантириш борасида улуғвор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

## Обод юртнинг бахтиёр қизларимиз

Хусусан, Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган “Зулфия номидаги Давлат муқофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни кўлаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони истеъдодли қизларни кашф этишда беқиёс аҳамиятга эга.

Мухтарам Юртбошимиз доим “Мен ёшларга суянаман”, дейдилар. Бундай юксак меҳр, улкан ишончга муносиб бўлиш ҳаммамизнинг олий мақсадимиз. Ана шу эзгу ниятга эришиш учун бугун Бухоро давлат университети қошидаги

3-академик лицейда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқишга, инглиз тилини мукамал ўрганишга ҳаракат қилаёлман. Тил билган — эл билади, деганларидек, мақсадим келажақда жонжон Ўзбекистонимиз довуруғини дунёга танитишдир. Шу пайтгача чет эл адабиётларини кўп-кўп мутлола қилдим. Натижада бир қанча инглиз эртақларини ўзбек тилига, дурдона ўзбек эртақларини эса инглиз тилига ўғирдим.

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиш ҳамда айланма капитални тўлдириш учун тижорат банклари томонидан

652,6  
миллиард  
сўм  
микдорида  
кредитлар  
ажратилди.

Республикамизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилган ушбу чоратадбирлар натижасида санат корхоналарининг қуввати ошиши баробарида, ички бозорни хорижликдан қилишмайдиган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имкони яратилди.



(Давоми 2-бетда).

# Парижда Ўзбекистон маданияти кечаси

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жак Паньезнинг билдиришича, ҳар йили Ўзбекистонга келадиган минглаб Францияликларда ушбу се-рукўш мамлакат ижобий таассуротлар қолдиргани ҳолда, улар ўзбек халқининг беназир меҳмондўстлиги ва савимияти, унинг бой маданияти ва аъёнлари, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мада-ний мероси рўйхатидан ўрин олган Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари афсонавий шаҳарлари ҳақида илқлиқ фикрлари билдиришди.

Алишер Навойнинг ин-сонпарварлик, ўз Ватанига ва гўзалликка нисбатан меҳр-мухаббат, комилликка интилиш гоълари билан йўғрилган боқий ғазал ва дostonларини француз тили-да ўқиб берган лицей ўқувчиси Мариам Тиллаеванинг чиқиси маданий кечанинг давоми бўлди.

Шунингдек, тадбир меҳмонлари француз актёрлари томонидан ижро этилган ҳамда Ўзбекистоннинг йирик тасвирий санъат мактабларида ишланган мини-аторлар намойиши билан бойитилган ифодали шеър ўқийдиган баҳра олиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари, таниқли ўзбек бастакорларнинг мусиқий асарлари ҳам ижро этилди.

Тадбир чоғида Эркин Аъзам ўзининг "Паризод" номли муаллифлик асари тақдироти меҳмонлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур фильм "Киношоқ" фестивалининг бош мукофотига сазовор бўлиб, Сергей Бондарчук номдаги "Волоколамский рубеж" Халқаро кинофестивалининг "Энг яхши аёл роли учун" номинациясини кўлга киритди, шунингдек, у "Северное сияние" фестивалининг

дипломи билан ҳам тақдирланган.

Тақдиротда мазкур фильмнинг асосий эпизодлари намойиш этилди. Асар тўғрисида сўзлар экан, Эркин Аъзам фильм замонавий ҳаётнинг реалистик жиҳатларини ўзида акс эттирганига қарамай, у аслида романтик ривоят эканини, асарда гайриоддий мистик ҳолатлар, рамзалар ва баъдий метафоралар ҳам маъжудлигини айтди. Сценарий муаллифи фильмини француз тилига таржима қилишда кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси раҳбариятига алоҳида минаятдорлик изхор этди.

Ўзбек шеърияти, адабиёти, мусиқа ва кино санъатига бағишланган кеча кўп сонли меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Тадбир якунида унинг айрим қатнашчилари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

### Жан-Мишель Анжелоз, Руэй-Мальмезон шаҳар мэрининг ўрин-босари:

— Мен Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган гўзал Бухоро шаҳрининг биродарлашган шаҳри — Руэй-Мальмезоннинг вакили сифатида ушбу тадбирда қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Биз Ўзбекистоннинг мазкур афсонавий шаҳри билан муносабатлар олиб бориш ва уларни ривожлантиришдан фахрланамиз.

Айтиш жоизки, адабий кеча барча меҳмонлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Буюк ўзбек шоири Алишер Навойнинг назмий асарлари юксак туйғулар билан йўғрилган. Шунингдек, ўзбек бастакорларининг ис-

теъоддли француз мусиқачилари томонидан ижро этилган романтизм руҳига бой асарлари ҳам катта қизиқиш уйғотди. Менинг фикримча, келажақда ҳам бундай маданий тадбирларни ўтказиш лозим, чунки замонавий Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш узлуксиз равишда ошиб бормоқда.

### Эммануэль Дюпои, Европада истикбол ва хавфсизлик институти директори:

— Ушбу кечада иштирок этиш тақлифини бажонид қилди қилдим. Аввал ҳам бир неча маротаба ажойиб мамлакатингизга сафар уюштириш ҳамда ўзбек халқининг маънавий бойлиги ва ўзига хос маданияти билан танишиш имконига эга бўлганман.

Ташкил этилган кеча кўп қиррали ўзбек маданиятининг қатор хусусиятларини ўзида муҳассас этди. Замонавий фортепьяно мусиқа асарлари европалик тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан қутиб олингани баробарида уларга Ўзбекистондаги мусиқа маданиятининг тадрижий ривожланишини кузатиш учун имконият ҳам яратди. Ўзбек фортепьяно мусиқасида миллий мусиқа санъати аъёнлари ва энг яхши хорижий бастакорлар асарларининг ўзаро уйғунлашиб кетиши сезилди. Намойиш этилган "Паризод" фильми эса кўпчилик учун ўзбекистоннинг ҳақиқий янгилиги бўлди. ўарб томошабини ушбу асарнинг теран фалсафасини тушуниш лозим.

Бўлиб ўтган кеча ҳозирги даврда аҳамияти тобора ортиб бораётган турли маданият ва тамадуллар ўртасидаги мулоқотнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади, деб ҳисоблайман.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конун лойиҳасида ушбу соҳанинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга доир муҳим нормалар ўз аксини тошган ва ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланган. Масалан, тиббий текширувдан ўтиш тартиби алоҳида нормалар билан белги-

# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР

жасида жавобгарлик соҳасининг бундай аниқ фарқлаб қўйилиши ушбу соҳада давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда самарадорлиқни ошириш имконини беради.

Шунингдек, мажлисда нефть қувурларига, газ қувурларига руҳсатсиз уланиш йўли билан ўғирлик содир этганлик, уларга шикаст етказганлик ва уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун жавобгарлик, шу жумладан, жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

ЎзЛиДеП фракциясининг таъкидлашича, нефть ва газ махсулотлари мамлакатимизнинг стратегик муҳим ресурслари ҳисобланади, қувурларга руҳсатсиз уланиш йўли билан уларни талон-тарож қилиш эса давлатнинг иқтисодий салоҳияти, аҳоли саломатлиги ва табиий муҳитга таҳдид солади. Бунда ЎзЛиДеП қувурлардан оқиб келаётган нефть ва газ конденсатини жиноий йўл билан эгаллаб олиш ижтимоий жиҳатдан катта ҳавф тугдиради, деб ҳисоблайди.

Ўғирлик содир этиш натижасида етказилган зарардан ташқари қувурга ноқонуний уланиш унга шикаст етказишга ва стратегик аҳамиятга эга бўлган махсулотнинг назоратсиз оқиб кетишига олиб келиши авария ишларни ўтказишни, шикаст етказилган объектни тиклашнинг талаб этиди, бунга эса катта маблағлар сарflanади.

Ўз навбатида, ЎзХДП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, қувурлардан нефть ва газ махсулотларини ўғирлашнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, бундай жиноятлар кўп ҳолларда бир гуруҳ шахслар томонидан

содир этилади, чунки улар ўғирланган махсулотни сотиш бўйича яхши йўлга қўйилган чакана савдо тармоғига эга. Шу билан бир вақтда, қайта ишланмаган газ конденсатини ёки нефтни талон-тарож қилиш ушбу махсулотлар таркибиде мавҳуд бўлган зарарли моддаларни аҳоли орасида автомобиль ёнгинлигининг ўрнини босувчи махсулот сифатида тарқатиш манбага айланади. Боз устига, талабга жавоб бермайдиган сифати паст ёқилги ис-теъмолчиларнинг манфаатларига ҳам катта зарар келтиради.

си вакиллари фикрича, энергия сарфини камайтириш, уни қаттиқ тежаш тартибини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни ҳамда махсулот таннархини камайтириш механизмининг ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва тағбиқ этиш масалалари партиянинг доимо диққат марказида туради.

Шуни таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасида электр ва иссиқлик энергиясидан, табиий газдан ноқонуний (ҳисобсиз) фойдаланиш мақсадида электр, иссиқлик, газ тармоқларига

ўзбошимчилик билан уланиш, ҳисобга олиш асбобларини қасдан бузиш ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан шикаст етказганлик учун ҳам тегишли жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари моддалар бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар ва тақлиф-

ларни билдириб, ҳуқуқбузарликнинг кўрсатиб ўтилган тури учун жиноий ва маъмурий жавобгарлиқни қўчайтиришнинг назарда тутувчи мазкур қонун лойиҳасини қабул қилишни тақлиф этди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари фикрича, қувурга ўзбошимчилик билан уланиш барча учун реал ҳавф тугдиради. Жумладан, қўпна нефть қувурлари билан ягона технологик йўлақларда жойлашган газ қувурларини ҳати хоси жиҳдий экологик ва иқтисодий оқибатларга олиб келадиган техноген фалокатлар бошланиши учун ҳавф солади.

Депутатлар гуруҳининг фикрича, қонун ҳужжатлари киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўйиш учун унга кўрсатилаётган хизматларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, шу билан атерф-муҳитга тушадиган экологик юкни анча камайтириш учун профилактикака воситага айланиши керак.

Умуман олганда, депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларига олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз таруққуётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни амалда бажариш муҳимлигини алоҳида таъкидлашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аҳборот хизмати.

# Обод юртнинг бахтиёр қизларимиз

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг юксак ғамхўрлиги, эътиборига сазовор бўлаётган, йилдан-йилга сафи кенгайиб бораётган Зуфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларига жуда-жуда ҳавасимиз келарди. Ахир бирорта мамлакатда ёш иқтидорли қизлар учун бу каби мукофот таъсис этилган. Шундай экан, мазкур мукофот тисолида Ўзбекистон қизларининг толеи нақадар баланд, қадрли юксак эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Биласиз, бугун дунёда миллионлаб қизлар айрим сабабларга кўра таълим олиш имкониятидан маҳрум. Шундай мураккаб бир даврда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган улкан шарт-шароит жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеадир. Жорий йилдан Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш тизими янада тақомиллашмоқда. Бугун биз учун кенг имконият. Энди биз замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида хорижий тилларни мукамал биладиган, эркин мулоқот қила оладиган етуқ мутахассислардан сабоқ оламиз. Бу эса дунёнинг манаман деган, энг кучли ёшлари билан беамалол беллаша олиш ка-

фолатидир. Ваҳолонки, бундай ёшларимиз бугун ҳам орамизда кўп. Хусусан, яқинда пойтахтимизда ўтказилган 47-Халқаро Менделеев олимпиадасининг олтин медал соҳибаси Дилшода Артиковани олайлик. Албатта, унга барча қизларнинг ҳаваси келди, қолаверса, Дилшоданинг халқаро муваффақиятидан чеқсиз фахрландик.

Бу каби эътибор ва эълоз замирида биз, ёшларнинг истикболини порлоқ кўриш, ҳаётда бахтиёр ва бекаму кўст яшашимиз ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ундовчи улғурвоқ мақсад мужассам. Биз буни жуда теран ҳис қиламиз. Зуфияноним қизлари сафида туриб, айтаманки, бу мукофот бизга жуда катта шараф берди. Унинг масъулияти ҳар бир қилаётган ишимиз ва босаётган қадамимизда ҳамроҳимизга айланмоқда.

Келажақда халқимизнинг ишончини оқлайдиган, гурурини уйғотадиган юксак марраларни забт этишга ҳаракат қиламиз. Ўртимиз ривожига муносиб ҳисса қўлиш, эл-улуснинг қорига ярайдиган фарзанд бўлишга сўз берамиз.

**Нафосат ЖўРБЕКОВА,** Зуфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

мо барҳам топди. Замонавий архитектура асосида, мустаҳкам темир-бетон конструкциялардан таркиб тошган кўприк қурилишига давлат ҳисобидан 150 миллион сўндан зиёда маблағ ажратилди. Шунингдек, "Угом — Чотқол" давлат табиат миллий боғи тасарруфидаги ўрмон ҳўжалиги кўмагида бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўклатмзорлаштириш ишлари ҳам бажарилди.

**Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

# Кичик бизнес: Беқиёс имкониятлар ва юксак самарадорлик



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жиззах шаҳридаги "Mir-Ulugbek-MX" масъулияти чекланган жамияти ҳам

шундай илгор корхоналардан бири. Бу ерда жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида 300 миллион сўмликдан ортққ эркаклар, аёл-

сўмлик модернизациялаш ишларини амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Фурқат Ҳасанов. — Банкдан олинган 741 миллион сўмлик кредит ҳисобига Хитойдан замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатдик. Ҳозир кунга 6 минг дона махсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераёғимиз. Махсулотларимиз маҳаллий хом ашё — пахта толасидан тайёрланаётганлиги боис арзон ва харидорғим. Айни пайтда корхонамизда 60 нафар хотин-қиз уч сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир.

Сифат юқорилиги соғлом рақобатнинг асосий мезонидир. Шундан келиб чиқиб, "Mir-Ulugbek-MX" жамоаси келгусида махсулотлар турини кўпайтириш ва уларни экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб бораёпти.

**Улубек АДДИЛОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Қисқа сатрларда

● Тошкент ирригация ва мелiorация институтида атерф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик самараларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда экологик таълимнинг институционал асосларини тақомиллаштириш, сув ресурсларидан интеграллашган ҳолда фойдаланиш, тупроқ умуддорлигини оширишга доир янги технологиялар, иқлим ўзгариши муаммолари ва унинг олдини олиш масалалари, табиий ресурсларни мониторинг қилишда жуғрофий ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш истикболларига оид маърузалар тингланди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, "Yangi avlod forumi" болалар ижодиети маркази томонидан "City Market" маданий-маърифий кўнгилочар марказида болалар учун қизиқарли тадбир ташкил этилди. Тадбирда дизайнерлик, расомлик, асфальт расм чизиш бўйича танловлар ўтказилиб, болалар баъдий жомоалари иштирокида концерт намойиш этилди. Болаларга совгалар топширилди.

● Фарғонада узумчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмалли семинар бўлиб ўтди. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти Фарғона вилояти филиали ва филоат ҳўқимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, серхосил ток навларини экиш, янги тоқзорларни кўпайтириш, узумчиликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Замонавий иншоот

Бурчмулла — Тошкент вилоятининг энг чекка тоғли қишлоқларидан. Худуддаги Мулоло ва Узун маҳаллаларини Псқом дарёси ажратиб туради.

## ҚУЛАЙЛИК

Шу пайтга қадар бу икки маҳалла ахли дарё устига бир пайтлар хашар йўли билан қурилган кўприқдан фойдаланардилар. Бу эса ёгин-сочин-

ли кунларда ноқулайлиқлар туғдирарди.

Яқинда худудда янги кўприк бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши билан бу муам-

## АНЖУМАН

Таъкидландики, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, ўзи танлаган касбни эгаллаши, қизиқиши бўйича илмий изланишлар олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ундан унумли фойдаланаётган йигит-қизларнинг илмий салоҳияти тобора юксалиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга хизмат қиладиган ноёб ихтиролар ва инновацион ишланмалар яратишга муваффақ бўлаяптилар. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

# Ёш олимлар форуми

Кеча Тошкент шаҳрида ёш иқтисодчи-олимлар форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти ташаббуси билан БМТ Тарақ-

қиёт Дастурининг Ўзбекистондаги "Миллий ва маҳаллий даражаларда иқтисодий прогнозлаштириш ва режалаштириш салоҳиятини ошириш" лойиҳаси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмагида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат илмфан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириб, илмий муассасалар томонидан яратилаётган инновацион ишланмалар орасидан энг истикболлиларини амалиётга жорий этишни жадаллаштириб юборди. Чунки унга мувофиқ, аъёнаний ўтказиб келаётган Иновацион амал бўлиб хизмат қилаяпти.

тилгани бунинг яққол далилидир. Форумни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам амалий иқтисодий фақтини ривожлантиришни долзарб масалалари ечимига зукко ёшларнинг салоҳиятини жалб этиш орқали илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилаётган иқтидор эгаларини аниқлаш ва

қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу боис унда мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юрталаридан ташриф буюрган 200 нафардан ортққ ёш олим ва мутахассислар иштирок этди.

Форум қатнашчилари ялли мажлисдан сўнг "Макроиктисодий мувозанат ва иқтисодий ўсиш",

ИНТИЛИШ

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг маъқеани юксалтириш, уларнинг билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

оид инновацион лойиҳалар устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. "Замонавий технологиялар асосида чиқиндиларни қайта ишлаш", "Замонавий электрон ўқув дастурларини яратиш", "Ўзбекистон — тамаддун бешиги" сингари кўплаб лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилаётгани фикримиз далилидир. Инвестиция йўналишида эса Китоб туманида табиий булоқ сувини турли маъданлар билан бойитган ҳолда сув қадоқлаш корхонасини ишга тушириш борасида қизгин иш олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда жамғармамиз қроида "International Shark Network" нодавлат таълим муассасаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, унда ёш мутахассислар тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари камраб олинган. Шунингдек, жамғарма тасарруфида "Савоб" умумий кадриятларни ривожлантириш илмий изланиш маркази, "Соғлом оила илмий маркази", "Sharq jilolati" маданий маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказлар миллий кадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш, уни тарғиб қилиш, янги манбалар асосида янада бойитишда фаоллик кўрсатаётгани, айниқса, ибратлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, жамғармамиз давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиб, юрт равақига муносиб ҳисса қўшаётир. Зеро, бугун юксак билим ва малакага эга аёллар жамиятнинг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётти. Бу эса мамлакатимизда демократик таъминланган тобора мустақкам қарор топаяётганидан далолат беради.

Саодат ТУРСУНБЕКОВА, «Sharq Ayoli» халқаро аёллар жамоат жамғармаси бошқаруви раиси.

«КЕЛАЖАК

ОВОЗИ — 2013»

Ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Келажак овози» танлови ёшларимизни изланувчанликка чорлаш, иқтидорлиларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос кўрик вазифасини ўтамоқда.

Жиззах шаҳрида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида бу яна бир бор ўз исботини топди. Тўрт номинация, ўн беш йўналиш бўйича уюштирилган танловда 600 нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник ишланмалар", "Анъанавий амалий санъат" ҳамда "Бадий ижод ва публицистика" номинациялари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Кўрик-танлов савияси ва иштирокчилар сони йилдан-йилга ошириб бораётгани қувонарли, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази мурофиллаштирувчиси Жаҳонгир Баҳромов. — Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида минглаб ёшларнинг сараланган ижодий ишлари кўриб чиқилди. Мухими, ёшларимизда ижодкорликка интилиш кучайиб бораётти.

Танлов якунига кўра, 45 нафар ёш иқтидор соҳиби кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Улғубек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтидорлиларга йўлланма

Оқила, фаол, фидойи

Хусусан, "Ҳар бир оилага тинчлик, тотувлик ва фаровонлик!" шiori остида ўз фаолиятини бошлаган "Sharq Ayoli" — халқаро аёллар жамоат жамғармаси ҳам юртимиздаги интеллектуал салоҳиятли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ишланмалари, инновацион лойиҳаларини оммалаштириш, ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб келаётти. Бунда жаҳоннинг юздан зиёд халқаро тузилмалари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик жуда қўл келаяпти. Бинобарин, олимларимизнинг илмий кашфиётларини дунёга танитиш, янги технологиялар борасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ушбу ташкилотнинг ўзига хос ўрни бор.

Шу ўринда сўнгги йилларда миллий кадриятларимизни ўрганиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида эътирофга сазовор. Чунинчи, "Маданий меросимизни ўрганиш", "Шарқ жилолари", "Иқтидорли болалар", "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлида" халқаро лойиҳалари, "Баркамол авлод — Ватан фахри", "Соғлом турмуш тарзи", "Ўзбекистоннинг қадимий тарихини ўрганиш", "Тикланаётган Орол", "Қирқиз" лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Халқимизнинг маданий ва маънавий меросини дунё миқёсида тарғиб қилиш баробарида, биотехнология, нанотехнологияга

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини аниқлаш бўйича танлов эълон қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилган.

«ЎЗРТХБ» ОАЖнинг биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоб-клиринг хизмати қоидалари тасдиқланиши муносабати билан амалдаги барча биржа савдолари иштирокчилари, шу жумладан, биржа аъзолари ва уларнинг мижозлари 2013 йил 1 августга қадар «ЎЗРТХБ» ОАЖ билан ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишлари лозим. Ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома оммавий офертага ариза-акцепт қўйиш бўлиб тузилади. Оферта матни билан «ЎЗРТХБ» ОАЖнинг расмий веб-саҳифасида (www.uzex.com) танишиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисида

- 1. «Ўзбекистон Республика товар-ҳом ашё биржаси» очик акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — биржа) номидан устав асосида иш юритувчи бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А. Р. Нагаев, мазкур таклиф орқали биржанинг расмий интернет-сайтида жойлашган «ЎЗРТХБ» ОАЖнинг биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоб-клиринг хизмати қоидаларининг (кейинги ўринларда — қоидалар) шартларига мувофиқ, мазкур қоидаларни тўлиқ ва писандасиз қабул қилган ҳар қандай шахс (кейинги ўринларда — клиринг иштирокчиси) билан ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда — шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Биржа ҳамда клиринг иштирокчиси кейинги ўринларда биргаликда тарафлар деб юритилади.
- 2. Қоидаларнинг шартларини қабул қилган клиринг иштирокчиси шартнома тузишга розилигини биржага, мазкур оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган илова, яъни ариза-акцепт (акцепт)ни тўлдириб юбориш орқали билдириши лозим. Акцептнинг барча сатрлари тўлиқ, тушунарли, босма ҳарфларда ва ҳисқартмаларсиз тўлдирилиши керак.
- 3. Биржа ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш, клиринг иштирокчиси эса қоидалар шартларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш мажбуриятини олади.
- 4. Шартнома биржа томонидан акцепт олинган ва клиринг иштирокчиси биржанинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасида қоидалар шартларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ҳамда қоидалар шартларига кўра бекор қилинмагунга қадар амал қилади.
- 5. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда низоларини ҳал қилиш усули қоидаларнинг шартларига мувофиқ ўрнатилган.
- 6. Биржа ўз мажбуриятларини бажаришга акцепт олинган ва клиринг иштирокчиси биржанинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтказилгандан кейин қилишида.
- 7. Шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаганиги учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва қоидалар шартларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.
- 8. Клиринг иштирокчиси тақдим этган ҳақиқий ва/ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар учун биржа жавобгар бўлмайди.
- 9. Қоидаларда кўрсатилган фавқулдда вазиятлар содир бўлганлиги туфайли шартнома шартларини бажармаганиги учун тарафлар жавобгарликдан озод этилади.
- 10. Мазкур оммавий оферта ва/ёки қоидаларда ўрнатилган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.
- 11. Реквизитлар: «ЎЗРТХБ» ОАЖ манзил: 100090, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй. Ҳ.р.: 20208000900600257001 ХОАББ «Трастбанк», МФО: 00491, СТИР: 200933985, ХХТУТ: 84100. Телефон: 113-33-33. http://www.uzex.com

«ЎЗРТХБ» ОАЖ бошқарув раиси в.в.б. А. Р. Нагаев

«ЎЗРТХБ» ОАЖнинг ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисидаги оммавий офертасига илова (фирма бланкада) № \_\_\_\_\_ 20 \_\_ й. «ЎЗРТХБ» ОАЖга АРИЗА-АКЦЕПТ 1. \_\_\_\_\_ (таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳномаси бўйича ариза берувчининг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли) номидан \_\_\_\_\_ асосида, иш юритувчи (ҳужжат номи: устав, низоом, ишончнома ва ҳоказо) (Ф.И.Ш. ва лавозими) «ЎЗРТХБ» ОАЖнинг биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоб-клиринг хизмати қоидалари (қоидалар)нинг шартларини тўлиқ ва писандасиз қабул қилишини маълум қилади ҳамда дилер (брокер, мижоз) сифатида рўйхатдан ўтказилишини сўрайди. (кечагини тагига чизинг) 2. Мазкур ариза-акцептни олган кундан бошлаб ўртамазда ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган деб ҳисобланган. 3. Қоидалар шартларига мувофиқ барча мажбуриятларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаймиз. Реквизитлар: Номи \_\_\_\_\_ Манзили \_\_\_\_\_ Телефон рақами \_\_\_\_\_ Факс \_\_\_\_\_ Х/р \_\_\_\_\_ Банк номи \_\_\_\_\_ МФО \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_ ХХТУТ \_\_\_\_\_ (раҳбарнинг Ф.И.Ш., лавозими) \_\_\_\_\_ (имзо) МҮ \_\_\_\_\_ (Бош бухгалтер Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (юрис Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ табиий қўй мўйнасида тайёрланган ёқалар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича такоран тендер (ретендер) ўтказилишини эълон қилади. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан тендер савдоларида қатнашишлари учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календар кунни давомида қабул қилинади. Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (8-371) 255-75-12, 281-43-72, 255-81-45. Факс: (8-371) 281-43-73.

Ташкилот ва корхоналар диққатига! Сурхондарё вилояти Қизирик тумани ободонлаштириш бошқармаси қуйидаги объектларни жорий таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади. Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, Такия маҳалласи, «Такия ота» қабристонига борувчи кўча, узунлиги 1,25 км. бўлган ички ҳўжалик автомобиль йўларини жорий таъмирлаш. Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижий қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмалари иштирок этганда, уларни танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бундан импорт қилувчилар қонунга мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади. Ушбу объектнинг танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 25 фоизни ташкил қилади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қизирик тумани ободонлаштириш бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, Сарик шаҳарча, Рабатка маҳалласи. Телефон: (8-376) 359-13-42. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг баҳоси — 70 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, Сарик шаҳарча, Рабатка маҳалласи, Ободонлаштириш бошқармаси. Бунортмачи — Қизирик тумани ободонлаштириш бошқармаси. Манзили: Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани, Сарик шаҳарча, Рабатка маҳалласи. Телефон: (8-376) 359-13-42. Объектлар қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МҲЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 9304-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Чирчиқ 50 йиллиги шoҳўчасида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси — 1 968 129 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 24 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 21 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, Николай Ли кўчаси, 18-уйда жойлашган нотурар бино ва иншоот. Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм. 3. Зангиота тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 февралдаги 11-1130/25307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Назруллаев кўчаси, 40-«Б» уйдаги 55-хонадон. Бошланғич баҳоси — 169 450 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 8 июль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МҲЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12. Лицензия: RR-0052.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси аппаратнинг масъул ходими Валентин Олегович СОСНОВСКИЙнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси қотибати раҳбари Бахтиёр Ориповга волидаи муҳтарамаси НОРТОЖИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси филология фанлари доктори Мақсуда СОДИҚОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Президентимизнинг “Универсиада — 2013” спорт уйинлари қатнашчиларига йўллаган таъриф нафақат Бухорода бўлиб ўтаётган мазкур нуфузли мусобақа бўлиб ўтаётган, балки вилоят ахлида ҳам фахру ифтихор туйғусини уйғотди. Зеро, мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт тизими юртимиз ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ирода, қатъият ва маҳорат синови вазифасини ўтаётган “Универсиада — 2013” дастури доирасидаги қизгин баҳслар, мурасасиз курашлар бунинг яққол исботидир. Юртбошимиз табригида алоҳида қайд этилганидек,

Универсиада ҳаракати мамлакатимизда эзгу анъаналарни бошлаб берди, бу мусобақаларда чиниққан ёшларимиз Ўзбекистон шукратини дунёга танитишмоқда. Вояга етгаётган ўлиқларга ўрнак, намуна бўлишяпти. Қолаверса, Универсиадининг айнан Обод турмуш йилида ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, инсон камолотида муҳим ўрин тутадиган жисмоний тарбия ҳар бир оила, хонадонга кириб бориши мақсадга мувофиқ. Буни юртимиз фуқаролари ҳамда Универсиада қатнашчиларининг куйидаги самимий сўзларидан ҳам билиш, ҳис этиш мумкин.

# ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

миз байроғини баланд кўтариш-ни мақсад қилганман.

## Муҳайё ШОДМОНОВА, шахмат бўйича Жиззах терма жамоаси аъзоси:

— Бухорога биринчи бор келишим. Бу шаҳар кутганимдан ҳам гўзал экан. Иштирокчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилса арзуғилки. Айниқса, шаҳар бўйлаб қилинган саёҳат жуда катта таассурот қолдирди. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи юрагимни гурурга тўлдирди. Президентимизнинг Универсиадада қатнашчиларига йўллаган таърифини тинглаб, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, спорт орқали унинг доврғини дунёга ёйиш мақсадини кўнгилimgа тугдим. Шахматга болалигимдан меҳр қўйганман. Ҳозир Жиззах педагогика институтини биринчи босқич талабасиман. Шахмат бўйича икки карра мамлакат чемпиони Юлдуз Ҳамроқуловага ҳавас қиламан. Келгусида у каби халққаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқчиман.

## Абдулла КАРИМОВ, кўл тўпи бўйича Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоси:

— Қадимий Арк, Ситорай Моҳи Хосса, Лабиҳовуз мажмуаларида бўлди. Кўча ва хибонлар байрамона безатилган. Мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари ҳам замон талабларига мос. Бу бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўймоқда. Кўл тўпи бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида бир неча халққаро турнирларда муваффақиятли иштирок этганман. Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт мусобақалари тизими биз, ёшлар учун катта спортга кенг йўл очмоқда. Масалан, ўзим ҳам 2008 йилда ўтказилган “Баркамол авлод” мусобақаларида иштирок этганман. Эндиликда эса Универсиадада қатнашиш бахтига муассар бўлдим. Келгусида янада нуфузли мусобақаларда Ўзбекистонини

## ФУТБОЛ

Футбол учрашувлари, кутганидек, мурасасиз ва кескин курашларга бой ўтмоқда. Дастлабки ўйин Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти терма жамоалари ўртасида кечди. Баҳс 5:1 ҳисобида пой-

## КЎЛ ТЎПИ

Бухоро олимпия захиралари коллежида ўтказилаётган кўл тўпи мусобақаларининг дастлабки кунда Тошкент шаҳри қизлар жамоаси қашқадарёлик рақибларини 29:27 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган Андижон — Хоразм вилоятлари терма жамоалари баҳсида эса 28:40 ҳисоби қайд этилди.

## ВОЛЕЙБОЛ

Волейбол мусобақаларининг дастлабки ўйини қизлар ўртасида бўлиб ўтди. Майдон эгалари мусобақа фаворити саналган Тошкент шаҳри терма жамоасига қарши майдонга ту-

тахтликлар фойдасига ҳал бўлди. Ярим финалда куйидаги натижалар қайд этилди: Хоразм — Фарғона 4:2, Қашқадарё — Тошкент шаҳри 1:2. Мусобақанинг олтин медали учун Хоразм ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ўзаро беллашади.

шиб, 0:3 ҳисобида имкониятни бой бердилар. Ўғил болалар ўртасида Хоразм — Андижон вилоят терма жамоалари учрашувида ҳам худди шундай натижа билан хоразмликлар муваффақиятга эришди.

## ШАХМАТ

Шахмат мусобақалари иккинчи тур беллашувларидан сўнг Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоаси кучли учлиқдан жой олган. Ҳозир ушбу жамоалар ҳисобида иккитадан очко бор.



Бу гал Универсиада тарихида биринчи марта унинг қатнашчилари учун мамлакатимизнинг таниқли спортчилари томонидан маҳорат сабоқлари ташкил этилмоқда. Уларда жаҳон ва Осиё миқёсидаги йирик турнирлар голиби ва совриндорлари ўз тажрибаларини талаба-ёшлар билан ўртоқлашмоқдалар.

## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

“Универсиада — 2013” мусобақаларида биринчи марта мамлакатимиз спорт федерациялари мутасаддилари қатнашмоқда. Улар иқтидорли, умидли ёш спортчиларни аниқлаш мақсадида беллашувларни кузатиб боришмоқда.

тонда ўтаётган Универсиада мусобақаларига қизиқиши катта. Шу босис Универсиадада оид маълумотлар дунёнинг ўн та тилига таржима қилиниб, интернет орқали тарқатиб боришмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Истеъдод ва маҳорат намойиши

Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган бадий гимнастика бўйича “Нарру Сагавап” халқаро турнири доирасида спортчилар предметларда машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Қизқарлик курашларга бой ўтган беллашувлар якунида Ўзбекистонлик спортчилар иккитадан олтин ва кумуш, битта бронза медалини қўлга киритдилар.

Хусусан, мусобақанинг яққиллари ўртасида Сабина Тошкенбоева тўп билан бажарган машқи учун олтин, халққа машқ бажариш бўйича эса икки вақилимиз — Рағиля Фархуiddинова кумуш, Жасмин Юсупова бронза медалига лойиқ қўрилди.

Гуруҳлар ўртасида халққа машқ бажаришда Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гўзал Раиманова, Сабрина Рамонова, Карина Тагаева ва Ирина Салехдан иборат гуруҳимиз олтин, Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳимиз кумуш медал билан тақдирланди.

Ф. ИБРАГИМОВ.

## Аниқ ташхис, малакали даво

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шiori остида саломатлик ўн кунлиги ўтказилмоқда.

## САЛОМАТЛИК

Тадбирда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлар иштирок этаётди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўн кунлик доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни кўчатириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Саломатлик кунларида пойтахтдан келган малакали кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог, уролог каби ўндан зиёд йўналишдаги мутахассислар Оролбўйининг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўридан ўтказдилар.

— Уюшқоқлик билан ташкил этилган Саломатлик ҳафтали-

гида асосий эътибор қария, ноғирон ва кам таъминланган оилаларга қаратилди, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали раҳбари Табассум Рўзметова. — Баъзи ҳолларда мутахассислар хонадонларга бориб, беморларни тиббий кўридан ўтказишди. Ушбу тадбирлар учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар электрокардиография ва ультратовуш ташхиси аппаратлари ҳамда бошқа зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Нўус шаҳрида икки минг нафардан ортиқ фуқаро тиббий кўридан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилиб, беморларга даволаниш учун йўланмалар берилди.

Саломатлик ҳафталиги тадбирлари Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ● Реклама ва эълонлар ●

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 16 июль кунин соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:  
I. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш босқичмаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Чоштепа» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 176,18 кв.м., қурилиш ости ер майдони 176,18 кв.м., фойдаланиш майдони 289,34 кв.м., бир қаватли бино ва ертўладан иборат, конструкция тури гишли, асосий хоналари саккизта бўлган «Шинам» кафеси.

**Бошлангич баҳоси — 290 060 000 сўм.**  
II. Миробод тумани суд ижрочилар бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-ўйинг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган икки қаватли, 5 та яшаш хонаси, 2 та дахлзи, 3 та хотхона, битта ҳаммом, битта ошхона, ертўла, бостирма ва темир дарвозадан иборат уй-жой.

**Бошлангич баҳоси — 233 779 924 сўм.**  
2013 йил 2 июль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

I. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:  
1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-кичик туманда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоувиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар.

**Бошлангич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.**  
2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-ўйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди биноиншоотлари.

**Бошлангич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realgroup.uz

Лицензия: № RR-0017.

### «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

#### Самарқанд вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 10 февралдаги 2/192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Почво кўчаси, 17-ўйда жойлашган, «Рисола» ХИЧСФга тегишли, қурилиш ости майдони 4834,33 кв.м. бўлган, Е литейри остида қурилган, 3 қаватли савдо маркази, 187 та хонадан иборат таъмирталба бино тақдоран қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 303 603 165 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 26 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 24 июнь кунин соат 16.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўжсарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.  
Телефон: (8-366) 233-80-56.  
www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**Автомобили УАЗ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**УАЗ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси**

2013 йил Ҳаж мавсуми зиёратчиларига Ўзбекистон рамзи туширилган хушбичим камзул тикиб бериш учун тендер ўтказилишини

Эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Таклифлар 2013 йил 14 июн гача қабул қилинади.

Телефон: (8-371) 240-18-58.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15, 236-09-25.**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрият жавобгар эмас. Газета тахрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5